O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Ногиронларга совға

Қизил Ярим Ой ва ногиронлар жамиятлари Самарқанд шаҳрида Германия элчихонаси билан ҳамкорликда хайрия тадбирлари ўтказдилар. Унда ГФРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Райнхард Биндзайль Самарқанд ногиронлар жамиятига Германия ҳукумати томонидан ажратилган маблағ ҳисобига харид қилинган 20 та ногиронлар аравачасини туҳфа қилди.

Ногиронлар инсонпарварлик ёрдами учун элчи жаноблари ва германиялик дўстларимизга миннатдорчилик билдирдилар.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Халқлар дўстлиги бойлигимиз

Республика Байналмилал маданият марказида «Миллатлараро ҳамжиҳатлик — барқарорлик омили» доимий ҳаракатдаги амалий семинарининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Семинарнинг бу галги машғулоти Марказий Осиё халқлари маданияти, маънавий ва руҳий муштараклиги масалаларига бағишланди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, Тошкент давлат университети ректори, академик Тўрабек Долимов, Тошкент давлат техника университети ректори Тўлқин Миркомиловлар ушбу мавзу юзасидан маруза қилишиб, бу минтақадаги халқларнинг дўстлиги ҳамма учун мафаатли эканлиги устида тўхталишди.

— Халқлар дўстлиги ҳамиша тараққиёт гарови бўлиб хизмат қилган. Ана шу дўстликни мустаҳкамлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир, дея таъкидлади «Марказий Осиё маданияти» халқаро газетаси бош муҳаррири.

Семинарда олий ўқув юртлари талабалари, миллий марказ вакиллари иштирок этишди.

Актам БЕРДИЁРОВ

Партия матбуотининг сайловолди вазифалари

9 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятлари ходимлари билан учрашди. Биринчи котиб йиғилганларга партиянинг III Қурултойи, мамлакатимизда кечаётган сайловолди жараёнлари ва уларда ХДПнинг иштироки тўғрисида сўзлаб берди. Ушбу жараёнларда, деди биринчи котиб, партия марказий ва маҳаллий нашрларининг ўз ўрни, ўз мавқеи бор. Улар партиямиз ғоялари, унинг III Қурултойи қарорлари, сайловолди Сиёсий дастурида илгари сурилган вазифаларни оммалаштиришга ҳисса қўшмоқдалар. Сайловолди сиёсий рақобат кучайган вазиятда матбуот нашрларимизнинг аҳамияти янада кучаяди.

Бироқ, газеталаримизда, шу кеча-кундузда, тезкорлик, ҳозиржавоблик, зийраклик, муҳолиф кучларнинг ножўя хатти-ҳаракатларига асосли жавоб бериш етишмайди.

Газеталаримиз партиямиз сайловолди фаолиятининг кўзгуси бўлиши керак, таъкидлади пировардида саркотиб ва журналистларни Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш учун курашнинг биринчи сафларида бўлишга чақирди.

Учрашувда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Азим Суюн, таҳририят ижодий ходимлари номидан, сўзга чиқиб, партия раҳбариятини, журналистларнинг касб маҳоратини ошириш ва ишдаги нуқсонларни тезда бартараф этиш орқали, рўзномаларнинг таъсирчанлигини оширишга эришажаклигига ишонтирди.

Ўзбекистон ХДП МК
Матбуот хизмати

1999 йил 5 декабрь, якшанба — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, шаҳар, туман кенгашларига сайловлар куни

«Биз давлат — кучли, ҳокимият — таъсирчан бўлиши керак, дер эканмиз, айни пайтда, давлат бошқаруви ваколатига эга раҳбарлар фаолиятидаги ўзбошимчалик зўравонлик ва мансабни суиистеъмол қилишнинг ҳар қандай шаклларига қаршимиз, ўзларининг республика халқи олдидаги конституциявий бурчига беписанд қарайдиган, ислоҳотлар сиёсатига доғ туширадиган мансабдор шахслар фаолиятидаги пораҳўрлик, тўрачилик ва коррупцияга қарши қатъий ва беаёв кураш олиб борилиши керак, деб ҳисоблаймиз».

(Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди Сиёсий дастуридан)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1999 йил 11 ноябрь, пайшанба • № 133 (25.528). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8-10 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

Ушбу ташриф асносида давлатларимиз ўртасида тўққизта ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар сиёсат ва иқтисодиётдан то маданият, почта ва телекоммуникациягача бўлган жуда кўп соҳаларни қамраган. Пекинда Президентимизнинг ташрифига катта эътибор қаратилди. Бу давлатимиз раҳбарининг Хитойга учинчи сафари эди. Илгариги ташрифлар ҳам икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиққан. Бинобарин, Ислом Каримов илк бошдаёқ мазкур сафар ҳам ўзаро ҳамкорликни янада юқори поғоналарга кўтаришига умид билдирди. Икки давлат раҳбарлари суҳбатлари давомида ўзаро алоқаларни янада яхшилаш учун бор имкониятдан тўла фойдаланишга келишиб олди.

Томонларнинг қарийб барча муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикри бир жойдан чиққанини шундан билиш мумкинки, ХХР раҳбари Цзян Цзэмин, ташриф дастури доирасидан ташқари, яна алоҳида учрашув ўтказиш таклифини билдирди. Сафарнинг учинчи куни ХХР раисининг қароргоҳида икки давлат раҳбарларининг мулоқоти давом эттирилди. Айтишларича, Хитойда айни ташриф чоғида айни раҳбар билан икки марта, бунинг устига давлат раҳбарининг қароргоҳида алоҳида учрашиш ҳолати ҳали кузатилмаган экан. Бу, албатта, Ўзбекистон Президентига эҳтиром ва ишонч, давлатимиз ва халқимизга қизиқиш, интилиш ва юксак ҳурмат белгисидир.

Энди давлатлараро муносабатларда асосий мезонлардан бири бўлган савдо-иқтисодий алоқалар хусусида.

Бу борада алоҳида қайд этиладиган муҳим жиҳат бор. Хитой, гарчи у БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлса-да, ривожланаётган давлатлар сирасига киради ва табиийки, биринчи навбатда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эмас, аксинча, кириитишга интилади. Мамлакатда дунёнинг етакчи фирма ва компаниялари билан кўплаб қўшма корхоналар тузилган, ё яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Қарийб барча соҳага хориждан илғор технология жалб қилиняпти. ХХР ўзининг 1,25 миллиардлик нуфусигина эмас, иқтисодий қудрати билан ҳам эътиборлидир. Сўнгги йилларда мамлакатда иқтисодий ўсиш йилига 8-10 фоизни ташкил этяпти. Дунё бўйича хорижий сармоянинг қарийб 20-22 фоизи Хитойга киритиляпти. Бу жуда катта кўрсаткичдир. Лекин, Хитойнинг ўзи ҳозирча хорижга сармоя чиқариш учун унчалик катта имкониятга эга эмас. Айни ҳолатни Ўзбекистонда ҳам кузатиш мумкин. Биз хорижий сармоя жалб қилишга, янгидан-янги технологияларни ўзлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Ишлаб чиқариш тизими, техника янгиланмоқда. Лекин Ўзбекистонда кечаётган бу жараёнда Хитойнинг ҳиссаси, афсуски, имконият даражасидан анча паст. Президентимизнинг ХХРга буюрган ташрифи чоғида бу гап бир неча бор алоҳида таъкидланади.

Аслида Ўзбекистон ўз минтақасида, Хитой эса Жанубий-шарқий ва Шарқий Осиёдаги марказий давлатлардир. Хитойнинг бирор компанияси Марказий Осиёда иш юритишни истасса, буни Ўзбекистондан бошлагани анча қулай.

Бунинг сабабини қуйидаги рақамлар билан изоҳлаш мумкин. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш йилига 3-4 фоизни ташкил этяпти. Хорижлик сармоядорлар учун яратилган шарт-шароит ва жорий қилинган имтиёзлар ҳам беқиёс. Ўзбекистон тўлов қобилиятига эга бўлган, сиёсий мустақилликни иқтисодий мустақиллик билан мустаҳкамлаётган давлатдир.

Шундай экан, истаган соҳада, аввало, табиийки, иқтисодиёт таянчи ҳисобланган асосий тармоқларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш икки томон учун ҳам бирдек фойдали. Бунга мисол сифатида машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик, агротехника, қурилиш, телекоммуникация соҳалари, кимё ва енгил саноатни айтиш мумкин.

Масалан, Хитой Ўзбекистондан йигирмага яқин ИЛ-76 русумли самолёт сотиб олиш ниятида. Бу ҳақда шартнома ҳам имзоланган. Лекин бу миқдор кам. Зеро, ИЛ-76нинг бошқа мамлакатлар, жумладан Форс кўрфази, Яқин Шарқ, Узоқ Шарқ, кўплаб Африка давлатларида ҳам бозори чаққон. Авиацияда у билан рақобатлаша оладиган самолёт жуда кам. Ўзбекистон маҳсулотининг эса баҳоси ҳам, сотилгандан кейинги хизмат кўрсатиш нархи ҳам нисбатан арзон.

Айни гапни автомобилсозлик бўйича ҳам айтиш мумкин. Бизнинг «Нексия»лар Хитой бозорида анча қиммат. Хитой томони ўзбек автомобилларининг нархи, сотилгандан кейин кўрсатиладиган хизмат арзонлаштирилса, уни катта миқдорда импорт қилишга истак билдирди. Лекин бу ерда бошқа — бож масаласи ҳам бор. ХХР ўз қўшнилари — Қозоғистон ва Россия билан бож тарифларини маълум фоиз қисқартиришга келишган. Бу, албатта, бозор иқтисодиётининг қонун-қоидасига уйғун. Лекин, теранроқ назар ташласак, Ўзбекистон ҳам Хитой учун қарийб қўшни давлат. Агар давлатларимиз ўртасида бож тарифларини қисқартиришга келишилса, нафақат «Нексия»нинг, бошқа товарларнинг ҳам баҳоси нисбатан арзонлашади.

Музокараларда Ислом Каримов шундай амалий таклифларни илгари сурди. Хитой томони уларни қўллаб-қувватлади.

Яна бир тўхталиш жоиз бўлган масала, агротехникага тааллуқли. Ўзбекистонда Хитой минитракторлари синовдан муваффақиятли ўтди. Табиийки, энди бу соҳадаги ҳамкорликни чуқурлаштириш керак. Хитой ҳукумати бу борадаги лойиҳа ижроси учун 100 миллион юан ажратишга қарор қилди. Яъни, Хитой тракторларининг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилишига келишилди.

Хитой ташқи сиёсати борасида гап кетганида, унинг Ўзбекистон ҳукумати илгари сурган талай таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаганини таъкидламоқ керак. Масалан, Президентимизнинг «Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона» деб эълон қилиш ва Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «Афғонистоннинг қўшнилари ва дўстлари»дан иборат «6+2» гуруҳини тузиш ташаббусларини айтиш мумкин. «Ядродан холи зона» ғояси Хитой томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. «6+2»да ҳам у бевосита иштирок этяпти.

Хитой ҳам Ўзбекистон каби улкан тарих, маданий мерос, асори-атиқаларга бой давлат. Президент Ислом Каримов Пекинга ташрифи чоғида зиёрат қилган «Гугун» император саройининг ўзи ажойиб тарихий ва маданий меросдир. Саройни кузатар экан, киши ёдига беихтиёр Самарқанддаги муҳташам Регистон мажмуи, Бухородаги пурвиқор Арк ё мафтункор Ситораи Моҳи Хосса, Хевадаги Ичонқалъа тушади.

Булар тарихимиз, маданиятимиз муштарак жиҳатларга эга эканлигидан далолат беради. «Шарқ фалсафаси», «Шарқ маданияти», «Шарқ анъаналари» деганда, ҳам ўзбек, ҳам Хитойнинг қадриятлари назарга олинишини бундай мисолларда ҳис этиш мумкин.

Улардан қандай самарали фойдаланиш мумкин? Табиийки, маданият ва санъат, тарих ва бошқа соҳаларда ўзаро ахборот, билим ва тажриба алмашувни кенг йўлга қўйиш керак. Бу сайёҳлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам катта туртки бўлади. Масалан, қадим Буюк ипак йўлини олайлик. Қадимда бу робита неча-неча мамлакатларни боғлаган. Ҳозирги шароитда у тўла қувват билан «ишласа», яъни автомобиль йўли ва темир йўл тўла қурилиб ё таъмирланиб ишга тушса, дунё иқтисодиётидаги вазият ўзгаришига шубҳа йўқ. Оддий мисол, экспортчи давлат саналувчи Хитой учун Қора денгиз, Каспий денгизи, Форс кўрфазига йўл очилади. Ўзбекистон ҳам Европа Иттифоқи давлатларидан то Хитойнинг олис портларигача етадиган осон ва арзон транспорт йўлига эга бўлади. Умуман, Буюк ипак йўли тўла қувват билан қайта ишга туширилса, унинг бўйидаги барча мамлакатлар фойда кўради. . .

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг яна бир хорижий сафари якунланди. Ташриф асносида томонлар нафақат икки томонлама алоқаларни қўллаб-қувватлаш, балки, уларнинг қамровини янада кенгайтириш, ривожлантиришга келишиб олдилар. Бу эса ташрифнинг асосий мақсадларидан бири эди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Пекин-Тошкент.

***

Суратда: ташриф пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИ ҲАМ ОВОЗ БЕРСАНГИЗ ЮТҚАЗМАЙСИЗ!

Марказий сайлов комиссиясида

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда комиссия аъзолари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди. Мажлисни мазкур комиссия раиси Н.Комилов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини юритишларида шароит яратиб бериш ҳамда Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари фаолияти билан боғлиқ айрим масалалар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг Йўриқномалари тасдиқланди.

Мажлисда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилаётган сайловлар жараёни муҳим босқичга кирганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу босқич, айниқса, сайловолди ташвиқотларини Қонун асосида, адолатли тарзда ташкил қилиш ҳамда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар фаолиятининг кафолатларини таъминлаш билан характерлидир. Депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини юритишда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига қатъий риоя этишлари шарт. Амалдаги Қонунга мувофиқ сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, шунингдек, ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклдаги учрашувларни ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Бундай йиғилиш ва учрашувлар сони чекланмаган ва улар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилиниши керак.

Йиғилишда Олий Мажлис депутатлигига номзодларга ишончли вакилларни танлаш, улар фаолиятини тўғри ташкил этиш борасида Қонунда кўрсатилган барча талабларга оғишмай амал қилиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Сайлов билан боғлиқ жамики ишлар фақат Қонун йўли билан амалга оширилиши керак, деб таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш юзасидан Жиззах ва Сирдарё вилоят ҳокимликларининг ахборотлари тингланди.

Мажлисда, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

(ЎзА)

Халқ истаги — тинчлик ва барқарорлик

Ўтган якшанба куни Тожикистонда бўлиб ўтган Президентлик сайловида мамлакатнинг ҳозирги раҳбари Имомали Раҳмонов ғалаба қозонди. Сайловда шарқий Тожикистон, хусусан, мухолифат кучлари таъсир доирасида бўлиб келган Қоратегин ҳудуди ва тоғли Бадахшон вилоятида ҳам кўпчилик унинг номзоди учун овоз берган.

Имомали Раҳмоновнинг Президентлик лавозимига қайта сайланиши Тожикистонда сўнгги пайтларда юзага келган ўзаро келишмовчиликлар, турли бошбошдоқликларга барҳам бериб, тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда асосий омил бўлади, деб умид билдирилмоқда.

Тожикистон Ислом уйғониш партиясидан номзоди кўрсатилган Давлат Усмон мамлакат президентлиги учун сайловда атиги икки фоиз овоз олган. Мана шу далилнинг ўзи тожик халқи дунёвий давлат қуриш тарафдори эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ҳисор ва Турсунзода ҳудудлари Тожикистоннинг муҳим аҳамиятга эга минтақаси ҳисобланади. Чунки бу ҳудудда мамлакат иқтисодига салмоқли улуш қўшиб келаётган саноат корхоналари мавжуд. Шунингдек, мазкур минтақа мева-чевалари-ю, чорваси билан тилга тушган. Шунинг учун ҳам фуқаролар уруши вақтида бир неча гуруҳ Ҳисор ва Турсунзода вилоятларини ўз назоратида тутиб туриш учун ўзаро кураш олиб борган.

— Имомали Раҳмонов Тожикистонда тинчлик барқарор бўлишига эришади, дея умид қиляпмиз, — дейди ҳисорликлар. — Шунинг учун унинг номзодини қўллаб-қувватлаб овоз бердик.

Дарҳақиқат, сўнгги ўн йилликдаги қонли можаролар пайти Тожикистонда пайдо бўлган партиялар, ҳаракатлар халқни турли томонга тортди, ўз ақидасига ишонтириш учун хилма-хил сиёсий ўйинлар ўйлаб топди. Турли сиёсий оқимларнинг оддий тожик халқи манфаати учун қанчалик нафи теккан-тегмаганлигини бугун англаш қийин эмас. Аксинча, оддий халқ бу қабилдаги партия ва ҳаракатларнинг турли чақириқларидан безиллаб қолди, уларнинг найрангбозлигидан буткул чарчади.

Узоқ йиллик урушдан толиққан, ҳаловатини йўқотган, гоҳ мухолифат аскарлари зуғумидан, гоҳ турли хил тўдаларнинг ваҳшийликларидан зада бўлган халқ бугун Имомали Раҳмонов номзодига билиб овоз берди, дейиш мумкин. Умид ягона: юртда тинчлик бўлса бас, ҳамманинг дилида шу пок ният.

Фуқаролар уруши пайтида турли муштумзўр, миллатининг тайини йўқ келгиндилар Бирлашган тожик мухолифати ҳомийлигида тожик тупроғида пайдо бўлди, гўё халқ номидан ҳукуматга қарши қурол кўтарди. Халқни эса талади, хўрлади, оддий улус бошида хоҳлаган тажрибасини ўтказди. Мақсад ғаразли — тожик тупроғида ўз ақидасини ўрнатиш эди. Тожикистон шарқида уя қуриб олган Жума Намангоний тўдаси ҳам ана шундай қора ниятли кимсалар гуруҳида санқиб юрди.

Кўзи очиқ одамларни бир нарса қийнайди: босқинчи, каллакесар тўдалар қачонгача Жирғатол, Тавилдара, Ғарм, Хоит, Комсомолобод туманларида истиқомат қилаётган жафокаш тожик халқи ҳуқуқларини оёқости қилади, улар ҳамиятини, қадр-қимматини топтайди? Ҳолбуки, мазкур минтақада истиқомат қилаётган фуқаролар ҳам инсон — қиз узатсам, ўғил уйлантирсам, тўй-томошалар кўрсам, иморат қурсам деган нияти, орзу ҳаваси бор. Ахир, орзу ҳавас учун ҳам оқ-қорани фарқлаш, керак бўлса, ҳақ-ҳуқуқи учун курашиш керак.

Ўзингиз ўйланг, бир безори, жиноятчи тўда мамлакатга суқилиб кириб кўнгли тусаган ишни қилиб юрса, бу нобакорлар зуғумига наҳотки азият чекаётган халқ бефарқ қараб тураверади? Бу тўдалар тожик халқининг нафсониятини топтамайдими, улар ҳуқуқларини поймол этмайдими? Ваҳоланки, тожик халқининг ҳам ғурури, ориятиғ бор!

Ҳолбуки, бугун халқ тинчлик, осойишталик, тараққиёт тарафдори экан, Тожикистон Президентининг бу минтақадаги халқаро террорчилардан мамлакат ҳудудини озод этиш тўғрисидаги ҳаракатлари оддий халқнинг орзу интилишларига мувофиқдир. Аслида соғлом мантиқ мамлакат ҳудудини террорчилардан нафақат озод этиш, балки бундай иллат тухум қўйиши мумкин бўлган замин ва асосларни таг-томири билан қуйдириб юборишни тақозо этади.

«Би-би-си» радиосининг хабар беришича, Бирлашган тожик мухолифати етакчиси Саид Абдулло Нурий ва Тожикистон фавқулодда вазиятлар вазири Мирзо Зиёев матбуот йиғинида жангари тўдаларнинг аксарияти Афғонистонга, толибонлар назоратидаги ҳудудларга ўтиб кетганлигини маълум қилган. Яна шу манба хабар қилишича, босқинчилар тўдаси ҳали-ҳануз Тожикистон ҳудудини бутунлай тарк этгани йўқ. Аммо бир нарса кундай равшан: бу босқинчи террорчиларнинг шарқий Тожикистонда туриб қолиши мазкур минтақада вазиятнинг кескинлашуви, беқарорлик ва нотинчлик келиб чиқишига олиб келади.

Хулоса шуки, Тожикистон ҳукумати ўз уйидаги террорчилар уясини ўзи йўқ қилиши керак. Бу масала турли баҳоналар билан пайсалга солинса, Ўзбекистон ҳукумати ўз ҳудудларининг хавфсизлиги учун аниқ, қатъий чоралар кўришга қодирдир. Чунки ҳеч бир давлат, ҳеч бир халқ қўшни ҳудудда ўзига қарши террорчилик ҳаракатлари тайёрланишига йўл қўймайди.

Мирзо КАРАМАТОВ

Сайлов ва сайловчи

Фаол бўлайлик

Яқин кунларда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўз келажаги ва ватан тақдири учун овоз беради. Биз сайловларда иштирок этадиган ёшлар билан мулоқотда бўлдик.

Ҳилола ТОЖИЕВА, талаба:

— 18 ёшга кирган Ўзбекистон ёшлари, яъни, тенгдошларим илк бор сайловларда иштирок этадилар. Бу биз учун ўта масъулиятли даврдир. Биз нафақат бугунимиз, эртамиз балки, келажагимиз учун ҳам овоз берамиз. Шу сабабли биз ўзимиз овоз бераётган номзодларимизнинг фаолиятлари ва мақсадларини ҳар томонлама, онгли равишда ўрганишимиз, пухта тайёргарлик кўришимиз лозим. Чунки, улар жамият ҳаётида бизнинг манфаатимизни ҳимоя қилиб, бизнинг номимиздан иш юритадилар. Мен мустақил Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқароси, ўз овозим ва ўрнимга эга эканлигимдан фахрланаман.

Хуршид РЎЗИЕВ, талаба:

—Аввало, депутат миллий ғуруримиз ҳимоячиси бўлиши керак. У ўз фаолияти давомида халқ вакили эканлигини унутмасдан фақат сайловчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ишлаши лозим. Сайловлар ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, айтиш мумкинки, эндиги сайловларимиз мустақиллигимизнинг илк дамларидаги сайловлардан ҳам фарқ қилаяпти. Биз келажагимиз учун ўз дунёқарашимиз билан овоз бермоғимиз зарур.

Зуҳра ҲАМДАМОВА, талаба:

— Депутат халқ номидан гапиради ва иш кўради. Менимча, XXI аср депутати ҳар томонлама етук, ватанпарвар инсон бўлсин. У бунинг учун юксак тафаккур эгаси, истеъдод соҳиби, ўқимишли, идроклі, муҳими, халқ тилини, қалбини тушуна оладиган, ундан ўз ёрдамини аямайдиган шахс бўлиши шарт. Бунинг учун халқ ўз вакилини тўғри танлай олиши лозим. Агар шундай инсонни адашмай топа олсак, ютамиз енгил, турмушимиз фаровон бўлишига ишонамиз.

Рустам РИЗАЕВ, талаба:

—Ўзбекистонда сайловлар демократик принципларга асосланган ҳолда, амалга ошади.

Давлат тараққиёти, жамият равнақи шу билан бирга сайловлар танлаган йўлимизни мустаҳкамлашга замин яратади, деб ҳисоблайман.

Мулоқотни Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли ва Ҳилола АБДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

Тарихимиз саҳифалари

1991 — 1999

1994

1 ноябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи бўлди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов қурултой делегатлари ва барча партия аъзоларини Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кунининг уч йиллиги билан самимий қутлаб, қурултой ишига муваффақиятлар тилаганини маълум этди. Қурултой делегатлари Марказий Кенгаш биринчи котибининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар ва партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги маърузасини тингладилар ва муҳокама қилдилар. Қурултой 250 та сайлов округидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхатини, партиянинг сайловолди Сиёсий дастурини тасдиқлади ва бир қатор қарорлар қабул қилди.

3 ноябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдан ташқари II қурултойининг резолюцияси ва қурултойнинг «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар муносабати билан сайловолди Сиёсий дастури ҳақида»ги, «Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги, қарорлари матбуотда эълон қилинди. Шунингдек, Марказий Кенгаш биринчи котибининг навбатдан ташқари II қурултойида қилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар ва партиянинг навбатдаги вазифалари» мавзусидаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

3 ноябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Мақсадимиз озод ва обод ватан, тинч ва фаровон ҳаёт!» сарлавҳали сайловолди Сиёсий дастури матбуотда чоп этилди.

5 ноябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Поль Везиан, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жалолов меҳмонга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари II қурултойи якунлари, унда қабул қилинган ҳужжатлар, жумладан, сайловолди Сиёсий дастури тўғрисида, партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари мамлакат давлат ҳокимияти вакиллик идораларига илк бор кўппартиялилик асосида бўладиган сайловларга кўрилаётган тайёргарлик ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Юртни дон, дастурхонни нон безайди

Республика ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат «ҒАЛЛАБАНК» ининг Навоий вилоят бўлими бошқарувчиси Абдурашид Усмонов билан мулоқот

— Абдурашид Ҳамидович, сиз бошлиқ банк тизими ўз навбатида бошқа банклардан фарқ қилади. Бу банк асосан юрт маъмурчилиги — дон ва нон сероблиги йўлида хизмат қилади. Шундай экан, дастлабки саволни вилоят ғаллачилиги, бу соҳа ютуқ ва муаммоларидан бошласак. Айтингчи, асосан ғаллакорлар учун масъул бўлган бу банк ўз хизмат вазифасини шу кун даражасида бажараяптими?

— «Ғаллабанк»нинг ташкилий ва таркибий даврига келсак, уни шубҳасиз, мустақиллик йилларининг меваси, дейиш мумкин. Бу банк таркиб топгандан буён 6 йилдан ортиқ вақт ўтди. Ана шундан бери у ғаллачилик соҳасини молиявий таъминлайди, ғаллакорлар, якка деҳқон-фермерлар, ижарачи ва шартнома асосида ишлаётган деҳқонларга иш ҳақи беради ҳамда уларга яқин ва узоқ муддатли кредит ажратади. Шу билан бир қаторда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда барча тадбиркорларга хизмат кўрсатади.

Вилоят ғаллакорлари жорий йилда давлатга 78 минг тоннадан ортиқ дон сотдилар. Бу режадагидан 5 минг тонна кўп демак ёки олдинги йилларга нисбатан вилоятда давлатга дон сотиш қарийб 8 минг тоннага ортди. Қизилтепа, Навбаҳор туманларида ҳосилдорлик ошишига эришилди.

Масалан, Қизилтепа туманидаги «Варозун», «Бухоро», Навбаҳор туманидаги «Янгиқўрғон», Йўлдош Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида юқори натижаларга эришилди. Мазкур хўжаликларда ҳар гектар майдондан 45-50 центнерга етказиб, дон етиштирилди. Ғаллачиликка ихтисослаштирилган ўнлаб пудратчилар, якка фермер деҳқонлар борки, уларда 60-62 центнергача ҳосил кўтарилди. Гап фақат ғалла ҳосилдорлигини ошириш ёхуд давлат шартномавий режасини уддалашда эмас, албатта. Банк тизимининг вазифаси асосан шу тармоқ ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг маблағларини ўз вақтида тўлаб беришдан иборат. Шунинг учун ҳам вилоят Дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонаси, «Навоий дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти билан қатъий ҳамкорликка эгамиз. Мана шу ҳамкорлик самараси ўлароқ амалдаги йилда ғаллакорларга 803 миллион сўмлик маблағ етказиб берилиб, 1999 йил ҳосили учун хўжаликлар билан тўла ҳисоб-китоб қилинди.

— Юқорида банк фаолияти ғаллачилик билан бир қаторда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашдан ҳам иборат дедик. Демак, банк билан узвий алоқага эга бўлган якка шартномачилар, тадбиркорлар хусусида ҳам фикр юритсангиз?

— Банкимиз бўйича биринчи ноябрь ҳолатига кўра кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 71 тани ташкил этди. Шундан 6 таси деҳқон ва фермер хўжаликларидир. Ўтган 1998 йилда тадбиркорларга жами 20 миллион сўм атрофида кредит берилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 14 нафар у ёки бу кўринишдаги ишбилармонларга 59 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Натижада 80 дан зиёд янги ишчи ўринлари яратилди. Бу ўз навбатида ишсиз юрган ёш йигит-қизларни иш билан таъминлашда қўл келди. Худди шу ўринда бандлик фонди ва бизнес фонд маблағларидан ўринли фойдаланаётганлигимизни ҳам алоҳида қайд этмоқчиман. Бу каби юксалишларга эришишнинг асосий воситаси бу банк ҳузурида «Тадбиркорлар бурчаги»нинг ташкил этилганидир. Бу бурчакда бюджетдан ташқари фондлар кредит линияси орқали қандай мақсадлар учун кредит олиш, бу кредит имтиёзлари ва шартлари тўғрисидаги маълумотлар етарлича мавжуд. Шунингдек ишонч телефон алоқаси ҳамда шикоят ва таклифлар дафтари ўрин олган.

Бу ўз навбатида тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар учун қатор қулайликлар туғдирмоқда ва мижозларимиз ортишига кўмаклашмоқда.

— Иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатлари даврида банк фаолияти кўп жиҳатдан мижозлар сонини кўпайтиришга, аҳолининг бўш пул маблағларини омонат тариқасида қабул қилишга, пул муомаласини барқарорлаштиришга аниқроғи, эмиссиянинг қисқаришига қўшаётган ҳиссасига боғлиқ. Шу хусусда ҳам тўхталсангиз?

— Дарвоқе, ҳар бир банк аввало мижозга намунали хизмат кўрсатиши лозим. Омонатчилар, ишончли мижозлар сонини кўпайтиришга эришган банк, шубҳасиз ҳар қандай бозор шароитида рақобатлаша олади, шундай экан кунлик ишимиз мезони мақсад ва моҳияти ҳам мижозлар муаммосини ҳал этиш, улар билан тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлишга қаратилган.

Бунга эришиш учун банкимиз сердаромад, иқтисодий жиҳатдан устувор хусусий капитали кўпайган, активлари сон ва сифати эса ортган бўлиши керак. Маълумки, пул айланмасини тезлаштирмай туриб, эмиссияни қисқартириб бўлмайди. Пул айланмаси ривожи эса кўп жиҳатдан аҳоли бўш пул маблағларини имкон қадар кўпроқ жамғармаларга жалб қилишга боғлиқ. Ана шу мақсадда биз омонатчиларни банкка жалб қилишнинг қуйидаги жамғарма турларини ташкил этганмиз. Бунга мисол қилиб, 1999 йил сентябрь ойидан бошлаб мавжуд жамғарма турларига капитализация қўлламасдан 3 ойлик омонат турини фоиз ставкаси ўзгарган ҳолда 10% миқдорида, фоизларни 3 ойлик муддати тугагандан сўнг олиш шарти билан, 6 ойлик омонат турини фоиз ставкаси ўзгарган ҳолда 21% миқдорида, тегишли фоиз даромадларини ҳар 3 ойдан сўнг олиш шарти билан, 9 ойлик омонат турини фоиз ставкаси ўзгарган ҳолди 32% миқдорда, тегишли фоиз даромадларини ҳар 3 ойдан сўнг олиш шарти билан, 1 йил муддатли омонат турига эса фоиз ставкаси ўзгарган ҳолда йилига 40% миқдорда ҳар ойда фоизларини олиш шарти билан ҳисобланиши орқали янги омонатлар қабул қилишни йўлга қўйиш турларини кўрсатиш мумкин.

Суҳбатдош: Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Менда таклиф бор

Қарздорликдан қутуламиз!

Дебиторлик қарзи натижасида кўп иллатлар, шу қаторида фуқароларга ўз вақтида иш ҳақини тўлай олмаслик ҳам пайдо бўлмоқда.

Яқинда Миробод туман ҳокимилигидагилар Гефан фирмасини ўз мажлисига чиқириб, нега фирма қарзини тўламаётганини сўроқ қилишди. Жавобимизни олишгач, бу тўғрида тушунтириш хатини ёзиб топширишни буюришди. Бу билан қандай фойдалик иш қилинди? Мени ва бошлиғимни сўроққа чақириб бир кун ишдан қўйишди, мени тушунтириш хатини ёзишга мажбур қилиб яна бир кун ишдан қолдиришди, холос. Менинг фикримча, бу муаммонинг ҳал қилинишининг бирдан бир чораси — ҳаммани тенг ҳуқуқли равишда тўлов муддатидан уч кун ўтгач, 0,5 фоиздан кунига устама ҳақ тўлашга мажбур қиладиган қонунни чиқариш ва унга амал қилишни қаттиққўллик билан таъминлаш бўлса керак.

Фикр юритиб кўрайлик.

1. Фуқаролар солиқ ва тўловларни вақтида тўламасалар, устама ҳақ тўлашлари шарт.

2. Солиқ назорати ва бошқа давлат органларига тегишли тўловларни ўз вақтида тўламаса, идора устама ҳақ тўлайди. Шундай экан ўз-ўзидан савол туғилади:

Нега идора бошқа идорага қарзини ўз вақтида тўламаса, устама ҳақ тўламайди? Нега идора хизматчиларига ўз вақтида иш ҳақларини тўламаса, устама ҳақ тўламайди?

Шартномада бу шартни ёзиб қўйиш керак, дейишади. Нима, шартнома қонундан устун бўладими?

Шукур АРИПОВ,
техника фанлари номзоди

Номзод дастури кўзгудир

Ҳар кимнинг ўз қараши бор

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим жараён кечмоқда. Аввало бу ҳолни халқимиз сиёсий фаоллиги, кишилар онгидаги юксалиш мезони билан белгиламоқ керак. Бугун қаерга борманг, ким билан учрашманг, гап мавзуси сайловларимизга бориб тақалади. Очиғи, сайловчиларимиз кимни қўллаб-қувватлашни аллақачон, яъни, барча округлардан номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилинган кунданоқ кўнглига тугиб қўйишди. Тўғри-да, ҳар кимнинг ўз фикри, тушунчаси, энг муҳими, қалбида кимга ишониш туйғуси мавжуд. Гапнинг дангали қайсики округда сайловга тайёргарлик пухта кечса, қонунда кўрсатилган барча амаллар кўнгилдагидек бажарилса, ўша ерда сайловчининг фаоллиги баланд бўлади.

17-Дўмбробод сайлов округига қарашли Яккасарой туманидаги Яккасарой I-маҳалласи сайловчиларининг кўнглидан ҳам худди шундай фикрлар кечаётгани шубҳасиз. Сайловлар қизғин кетаётган ҳозирги долзарб палладa маҳалла оқсоқоли Нўғмон ота Низомов, маҳалла котибаси Ҳакима опа Ғозиева сингари жонкуярларни қайси пайтда бўлманг, уларни сайлов участкасида учратиш мумкин. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш лозимки, маҳалла жонкуярлари нафақат сайлов вақтида балки, тўй маросимлари ва маъракаларни ихчам ўтказишда, хотин-қизлар билан, ёшлар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришда, ишсиз ёшларни иш билан таъминлашда бош-қош бўлишмоқда.

Моддий жиҳатдан қийналиб қолган оилалар, боқувчиси бўлмаган қариялар доимо уларнинг даққат марказида бўладилар, тез-тез улардан хабар олиб туришади. Айниқса 16 февраль воқеасидан кейин маҳалла кўнгиллиларидан ўн кишилик таркибда маҳалла назорати йўлга қўйилди. Маҳалла ютуқларидан яна бири жорий йил ҳисобидан умуман ажралишган оилаларни учратмайсиз. Ўйлаймизки, бундай жонкуярлар доимо маҳалла равнақида хизмат қиладилар.

Суратда: маҳалла котибаси Ҳакима опа Ғозиева, маҳалла оқсоқоли Нўғмон ота Низомов ва фуқаро Зоҳид Собировлар сайлов ишлари юзасидан маслаҳатлашмоқдалар.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Қишлоқларни эмас, фоизни биладиган раҳбарлар»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1999 йил 26 август сонида «Қишлоқларни эмас, фоизни биладиган раҳбарлар» сарлавҳали мақола юзасидан Музробод туманида тегишли вилоят идоралари раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама ўтказилди.

Мазкур мақолада қайд этилган камчиликларни қисқа муддат ичида бартараф этиш ва ҳолни қайта такрорламаслик борасида тааллуқли раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 мартдаги «1998-2000 йиллар даврида қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда 1999 йил июндаги «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан вилоят аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш масаласи вилоят ҳокимлиги томонидан доимий назоратга олинган.

Сурхондарё вилояти ҳокими
Ж. НОРАЛИЕВ.

Ғаламис

Бугунги ҳур замонда кўпчилик ризқини ҳалол топиш илинжида ҳаракат қилади. Шу боис айрим унутилган касбларга ҳам эҳтиёж сезилди, улар қайта тикланди. Вобкентда кулолчилик, қандолатчилик, нишолдапазлик бугун даромад келтирадиган касб бўлди. Мурод Жўрабоев номли жамоа хўжалигида яшовчи Маҳмуд Мансуров ҳам қишлоқдошлари сингари нишолда пиширади. Бу ширинлик, айниқса, рўза ва ҳайит кунларида жуда қадрлидир. Унга кўпроқ болакайлар ўч. Маҳмуд ака ўғлига, болалар сўраса — тихирлик қилма, беравер, савоб бўлади, деб тез-тез уқтиради.

Мирза қўшниси Одил билан нишолда тўла идиш кўтариб, Пешку туманидаги «Пахтаобод» жамоа хўжалиги томон йўл олди. Қишлоқ кўчалари унга таниш. Дегдовонликлар кўпинча ундан харид қилишади. Бугун отаси айтган ўша қувноқ болаларга эмас, балки қовоғидан қор ёғилиб турган, баджаҳл милиция ходимларига дуч келди.

— Бу ёқларда нима қилиб юрибсизлар? Қани, ҳужжатларингизни кўрсатинг, бўлмаса...

Болалар тик қотишди. Сўнг ҳадик оҳангида:

— Ҳозирча паспортимиз йўқ. Эрта-индин мелисахонадан келтириб беришса...

— Нишолданикичи?

Болалар тили калимага келмай туриб, милиция ходими уларни яна кетма-кет сиқувга олаверди.

Баҳор яқин бўлгани учунми ёмғир ёға бошлади. Болалар ноиложликдан бир тажанг формалик йигитга жаврашарди. «Ахир, нима гуноҳимиз бор... Тирикчилик-ку бу...»

— Қани юр, зумраша!

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

Формали одам болакайнинг қўлини қайириб, унга озор берганини ҳам шу тобда сезмасди. Хаёли Мирзанинг чўнтагида. У зарб билан боланинг елкасини ушлаб, иккинчи қўлини унинг чўнтагига тиқди. Қўли ўрганган эмасми, чангалида бир даста пул турарди, чеҳраси анча ёришди.

— Энди боравер, йўлингдан қолма!

Бу манзарани кўрган Одил тезгина ортига қайтди-да, бўлган воқеани Мирзанинг отасига сўзлаб берди...

... Суднинг қора курсисида ўтирган Қудрат Саидовга — йўлтўсар, ғаламис, олғир йигитга боқамиз. Ў ҳали 30 га ҳам кирмаган. Қудрат 1988 йил ноябрь ойидан Пешку туман ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш нозирлигида катта инспектор вазифасида ишлаб келган. Яхшигина маош олган. Оиласи, икки фарзандини шу аснода боққан. Қаранг, текинга олий маълумот олган, кимларнингдир ҳомийлигида ички ишлар бўлимига ишга жойлашган... Афсуски, нафсини тиёлмади. Шу боис мана, бугун у болалар ҳимоячиси эмас, балки зўравон, талончидир!

Ўшанда бу қишлоққа у аҳолининг янги паспорт билан таъминланиши қай аҳволдалигини суриштириш учун келганди. Ҳар бир қадами, ҳар бир кунини пулга чақадиган бу нозир бугун қуруқ қайтсинми? Қаранг, яна болаларга дуч келишини. Маҳмуд ака, ўғлига, агар, ўша қишлоқда арзон нархда буғдой сотадиганлар бўлса, олиб келарсан, дея унинг қўлига 2000 сўм берганини бу нокас қаёқдан билсин? 2000 сўм билан бирга нишолда пули — 1600 сўм ҳам бир йўла «осойишталик посбони» чўнтагига тушишга тушди-ю, аммо унинг бирор корига ярамади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчимиз. Ўша куни у ёлгиз эмас эди. Ёнида туман ички ишлар бўлими давлат ёнғин назорати инспектори Баҳриддин Раҳмонов ҳам турганди. У болага тан жароҳати етказаётган, катта оила насибаси бўлган, ҳалол меҳнат билан топилган даромадга ҳаром чангалини босаётганда Қудратга лом-мим демади. Аксинча, лоқайдлик билан йўлида давом этди. Фақат суд мажлисида айбини тан олди. Бундай ғаламислар ички ишлар бўлимлари ходимлари орасида камдан-кам учрасада, жуда хавфлидирлар. Уларда маънавий кемтиклик, қашшоқлик ғовлагани учун ҳам обрўларини бир пулга сотишга ҳам тайёрдирлар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ҳам бугун маънавий тарбияга эътибор беришнинг вақти етмадимикин?

Боймурод ОРИПОВ,
Пешку туман судининг раиси.
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг мухбири

Тарихимиз саҳифалари

1991 — 1999

1994

6 ноябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида ХКП Марказий Комитети ҳузуридаги халқаро алоқалар бўлими Европа ва Осиё мамлакатлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ван Тинюй бошчилик қилаётган Хитой Халқ Республикасидан келган бир гуруҳ меҳмонлар қабул қилинди.

9 ноябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Карл Хайнц Куна, унинг илтимосига кўра, қабул қилинди. Элчига Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А .Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг натижалари, истиқболлари, Халқ демократик партиясининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари II қурултойи, унда қабул қилинган ҳужжатлар, хусусан партиянинг сайловолди Сиёсий дастури тўғрисида, мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик идораларига илк бор кўппартиялилик асосида ўтадиган сайловларга кўрилаётган тайёргарлик ҳақида гапириб берилди, меҳмонни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

11 ноябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Карло Унгаро унинг илтимосига мувофиқ, қабул қилинди.

17 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашлари иккинчи котиблари ташкилий ва мафкуравий ишлар билан шуғулланувчи масъул ходимларининг Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайловларга тайёргарлик кўриш, партия кенгашлари олиб борадиган ташкилий, ташвиқот ва тарғибот ишларининг асосий йўналишларига бағишланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

24 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзодлар рўйхати матбуотда чоп этилди.

Ноябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Рус провославь Черковининг Ўрта Осиё бўйича Епархиал бошқармаси бошқарувчиси, Тошкент ва Ўрта Осиё археиепископи Владимир қабул қилинди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси МК биринчи котиби А. Жалолов республикада виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунга қатъий амал қилинаётганлигини, партиямиз ташкилотлари ва аъзолари барча диний мазҳаблардаги, жумладан, провославларнинг ҳам диний эътиқодига ҳурмат билан қарашларини, уларнинг жамиятда фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашдаги амалий ишларини юксак баҳолашларини билдирди.

(Давоми.)

(Боши ўтган сонларда)









Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига

қилган давлат ташрифи доирасида дўст мамлакат раҳбарлари билан олиб борилган музокаралар ва кўп томонлама ҳамкорлик ҳақида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистонимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини янада оширади.

Корхонамиз Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги шодиёнаси арафасида ишга туширилди. Хитойдан келтирилган энг замонавий технология ва ускуналарда 600 киши меҳнат қилмоқда. Қўшма корхонамизда тайёрланаётган эркаклар шимларининг 90 фоизи АҚШга экспорт қилинади. Дастлабки туркум — 54 минг дона тайёр маҳсулот йўлга чиқди. Келгусида корхонамизда янги трикотаж матоларини чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда.

«ХЎЖАОБОД — ДЗИН-ДУ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНА БОШ ДИРЕКТОРИ ВАН ДЗИН ЮЕ.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Хўжаобод шаҳри. Навоий кўчаси 2-уй. Тел: (37474) 11140.

Ишонч ёрлиғи топширилди

3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистон Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш. Бобохонов ўриндошлик асосида Баҳрайн Давлати Амири шайх Ҳамад бин Исо бин Салмон Ол Халифага ишонч ёрлиғини топширди.

Ёрлиқ топшириш маросимидан сўнг Ўзбекистон элчиси билан Баҳрайн Давлати Амири шайх Ҳамад бин Исо бин Салмон Ол Халифа ўртасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Баҳрайн Давлати ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-сотиқ, сармоялар киритиш, туризм, маркетинг ва банк соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди.

«Жаҳон» АА

Курраи замин — умумий уйимиз, башарият — ягона оила фарзандлари

Яқинда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Павел Крал БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида матбуот анжумани ўтказди. Унда ўз лойиҳаларини Ўзбекистонда муваффақиятли амалга ошираётган БМТ ихтисослашган агентликлари раҳбарлари ҳам қатнашдилар.

Павел Крал БМТ ваколатхонасига раҳбарлик қилиш билан кифояланиб қолмай, балки инсонлар салоҳияти барқарор ривожини кўзлаб қарзлар бериш бўйича БМТнинг кўп қиррали механизми ҳисобланадиган БМТ Тараққиёт дастурига ҳам етакчилик қилади. Шу боисдан у мазкур агентликнинг мамлакатимизда олиб бораётган ишлари хусусида батафсил гапириб берди.

Олти йил мобайнида 50 га яқин лойиҳа молиялаштирилган бўлиб, улардан ярми ниҳоясига етказилди. Лойиҳаларнинг барчаси жамиятнинг барқарор ривожланишига йўналтирилди. Қолаверса, бу лойиҳалар иқтисодий янгиланишларга, халқ хўжармандчилигини тиклашга, иш билан бандлик муаммоларини ечишга, саломатлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, фуқаролик жамиятини барпо этишга кўмаклашаётир. 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистонда амалга оширилаётган БМТ Тараққиёти Дастури лойиҳаларининг умумий қиймати қарийб 17,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Қочқинлар иши бўйича БМТ Олий Комиссари бошқармаси вакили Таслимур Раҳмоннинг ахбороти ҳам қизиқарли бўлди. У Ўзбекистон ҳукумати билан Крим татарларини Ўзбекистон фуқаролигидан чиқариш ишларини соддалаштириш масаласи ҳал этилганини қайд этди. Бундан ташқари, миграция тўғрисида қонун лойиҳаси устида олиб борилган ишлар тугалланди. Тошкент юридик институти қошида инсонпарварлик ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича марказ тузилди.

БМТнинг ЮНЕСКО, ЮНПФА, УКНПП, ЮНИСЕФ агентликлари, Бутунжаҳон банки вакиллари ва бошқалар йиғилганларни ўз лойиҳалари тўғрисида батафсил хабардор этишди. Хусусан, 1994 йил март ойида Ўзбекистонда ваколатхонасини очган Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ўз фаолиятини саккизта дастур бўйича амалга ошираётган бўлиб, сифатли овқатланиш, таълим, тоза ичимлик суви, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби болаларга тааллуқли муаммоларни ҳал этишга кўмаклашяпти.

Мустақил Ўзбекистоннинг ривожида Бутунжаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси салмоқли ва ҳар тарафлама ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиз 1992 йилнинг сентябрида Бутунжаҳон банки ва Халқаро Тараққиёт Уюшмасига аъзо бўлди. Ўзбекистонга ёрдам кўрсатиш бўйича банкнинг уч йилга мўлжалланган ҳозирги стратегияси молиявий, идоравий ва техник ёрдам кўрсатиш ва ислоҳотларни босқичма-босқич рўёбга чиқариш ҳукумат стратегиясини қўллаб-қувватлаш мақсадида маслаҳатлар беради. 2000-2001 йилларда қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳа, шаҳар транспорти, маҳаллий сув таъминоти ва санитария, ирригация ва дренаж тизимларини тиклаш соҳалари ислоҳоти учун қарзлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

«Туркистон-пресс» маълумоти:

Бирлашган Миллатлари Ташкилоти (БМТ) 1945 йил 24 октябрда 51 та мамлакат томонидан тузилган. Айни пайтда жаҳондаги 185 мамлакат унинг аъзоси ҳисобланади. БМТ олтита бош идорага — Нью-Йоркда жойлашган Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Оталиққа олиш бўйича кенгаш ва котибиятга ҳамда Гаагада жойлашган Халқаро суд идораларига эга.

БМТ бутун башарият дуч келаётган муаммоларни ечадиган марказ ҳисобланади. БМТнинг асосий вазифаларидан бири жаҳонда тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлашдан иборат.

БМТ тизимига ташкилотнинг ўзи, унинг ихтисослаштирилган муассасалари, дастурлари ва жамғармалари киради.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга аъзо бўлган. 1993 йил январда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди.

«Туркистон-пресс»

Тадбиркорлар ҳамкорлиги

Жанубий Корея билан Монголия ҳукуматлари ўртасида табиий заҳираларни ҳамкорликда қайта ишлаш тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур ҳужжатга кўра, икки мамлакатнинг тадбиркорлари ўзаро ҳамкорликда мис, нефть ва бошқа ерости бойликларини қазиб олиши ҳамда қайта ишлаши кўзда тутилган.

Шунингдек, давлатлар Шимоли-Шарқий Осиёда ва Карис ярим оролида хавфсизликни таъминлаш борасида халқаро анжуманлар ўтказиб туришга келишиб олди.

Мухожирлар келиши кўпаймоқда

Австралия қирғоқ кўрикчилари мамлакат ҳудудига ноқонуний равишда ўтишга уринган 175 нафар мухожирни тўхтатиб қолди. Уларнинг кўпчилиги Яқин Шарқ минтақаси мамлакатлари фуқаролари бўлиб, балиқчи ва хусусий кемалар ёрдамида Индонезия орқали Австралия чегарларига келган. Мамлакат мухожирлик хизмати ҳозирча келгиндиларни вақтинчалик турар жой билан таъминлашга розилик билдирди.

Сўнгги йилларда Австралияга ноқонуний йўллар билан келувчи мухожирлар сони борган сари кўпайиб бормоқда. Биргина ўтган ҳафтанинг ўзида олти юзга яқин киши мамлакат ҳудудига ўтишга уринган.

(ЎзА)

Руҳ суратга олинди

Германия госпиталларидан бирида қизиқ воқеа юз берди. Бечора Карин Фишер операция вақтида оламдан ўтди. Бироқ гап бунда эмас. Қизиғи шуки, госпитал суратканси операция жараёнини суратга олди ва негативларни ювиб бўлгач, ҳайратдан донг қотди. Яъни Карин Фишернинг юраги уришдан тўхтаган пайтда унинг руҳи танани тарк этаётганини суратга олишга улгурибди.

«Негативда шундай кўриниш акс этганки, танадан руҳнинг бўлганидек чиқиб бораётгани зикр этилган, — дейди суратканш П. Валентин. — Сўнг негативни тиббий экспертизага бердим. Улар текшириб кўриб, бу одам руҳи эканлигини тасдиқлашди».

Дарҳақиқат, бундай суратга туширишлар биринчи марта эмас. Лекин барибир улар саноқли. Эндиликда П. Валентин ўта оғир беморларнинг операция столида ётишини канда қилмай суратга туширмоқда.

Башорат тасдиғими, ё?..

Қобордин-Болқор Республикасининг Нальчик шаҳрида ёш «Нострадамус» пайдо бўлди. У 16 ёшли Азрет Шурдумовдир.

Азретнинг ўзгача қобилиятини шу пайттача ҳеч ким сезмаган эди. Бироқ яқинда унинг уйига бемор қариндоши келгач, унинг хислатидан барча бохабар бўлди. Ўшанда Азрет бемор қариндошининг ёнига келди-да, оғриётган жойинга қўлини қўйиб: «Сизнинг шу жойингиз оғрияпти. Яқинда тузалиб кетасиз. Оилангизга моддий кирим бўлади. Аммо ўғлингизга машина олиб берманг. Негаки, автоҳалокат юз беради. Тўғри, ўғлингиз тирик қолади, лекин барибир лат ейди», дейди ва автоҳалокат қандай бўлишининг ипидан-игнасигача айтиб беради, ҳатто тўқнашадиган машинанинг номеригача аниқ айтади. Бироқ қариндош бу гапларга эътибор бермади. Ва кейинчалик бу айби учун жуда афсусланди. Негаки, ҳақиқатан ҳам у ўғлига машина олиб берган, ўғли эса худди юқорида айтилганидек ҳалокатга учраган эди. Шу воқеадан сўнг мухбир Мая Мамедова у билан учрашди ва : «Шу йил 11 августда Қуёш тутилиши юз беради. Айтчи, ўша кун охир замон бўладими?» дея савол берганди. «Йўқ, — дея жавоб қайтарганди болакай. — Лекин шаҳримизни бўрон остин-устун қилиб ташлайди, кўп дарахтлар илдизи билан қўпорилади. Бир одам ўлиши эҳтимоли бор». Ҳақиқатан ҳам 12 август куни Нальчикда кучли бўрон қутурди. Дарахтлар ағдарилиб, бир одам оламдан ўтди.

У ўтган йили 14 августда доллар курсининг кўтарилишини башорат қилган эди. Ўшанда унинг гапига ҳеч ким ишонмаганди. 17 августга келиб ҳақиқатан ҳам башорат тасдиқланди.

Аммо шу нарса маълумки, ҳар қандай башоратнинг тўғри ё нотўғрилигини фақат вақт кўрсатади.



Хитой. «Ўргимчак тўр» йўллар.

Ўз совғасини сотиб олди

50-йилларнинг машҳур артисти Мэрилин Монрони ҳали кўпчилик яхши эсласа керак. У тақинчоқларни кўпам ёқтирмасди. Шунинг учун уни ҳеч қачон сотиб олмаган. Таққанларининг барчаси совғага келган. «Фокс XX аср» кинокомпанияси ҳамда Акоя Микимото компанияси совға қилган марварид шодаси ва бошқа тақинчоқларни мисол қилиб келтириш мумкин бунга.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1954 йили Мэрилин ўзининг севгилиси, бейсбол юлдузи Жо Ди Мажио билан Японияда «асал ойи»ни ўтказаётган пайтда Японияннинг Микимото компанияси қиймат-баҳо марварид шодасини совға қилган эди. Худди шу маржоннинг тақдири қизиқ бўлган, яъни Мэрилин ўлимидан сал аввал уни меҳрибон устозининг хотини, қадрдон дугонаси Поле Страссбергга совға қилади. У эса ўлимидан олдин қизи Сюзаннага қолдиради. Бу йил Сюзанна ҳам оламдан ўтди. Яқинда ўша марварид шодаси кимошди савдосига қўйилди. Қизиғи шундаки, уни яна аввалги соҳиб — Микимото компанияси сотиб олди. Фақат бу гал аввалги баҳосидан бир неча баробар қимматига олди. Компания эндиликда Монро хотирасига худди шу тақинчоқнинг бир неча нусхаларини ишлаб чиқарди ва бу марваридлар тезда сотилиб кетди. Улардан бирини артист Ума Турман, иккинчисини эса теннисчи Штеффи Граф сотиб олди. Тақинчоқларнинг ҳар бири 10 минг долларга пулланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти жамоаси мазкур институтнинг Манбашунослик бўлими мудири Омонулла Бўриевга отаси

БЎРИТОШ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Истиқлол тараннуми

Рубоийлар

Қизил империя зулми жабридан
Боболар таланди ётган қабридан.
Бежаноза кўмдик неча-нечани,
«Қулоқ», «қатағоннинг» чиркин зарбидан.

* * *

Етмиш йил хор бўлди удумларимиз,
Шайтоннинг йўлида сарсон баримиз.
Биримиз икки-ку бўлмасди асли,
Эрк қайтиб бермаса ўзлик, боримиз.

* * *

Ўзбекистон бугун илгари, бардам
Юз йилни бир йилда босиб ҳар қадам.
Бош бармоғин сўриб боқади энди,
Ўзбекнинг корига дунёи олам.

* * *

Кўрдик алдов-далғов кечганин замон,
Биров бировидан на устун, ёмон.
Шукр қилайлик дўст, сўраб Худодан:
Бахтимизга Юртбоши бўлсинда омон,

Эшниёз ЎРОЛОВ,
Навоий вилояти.

«Обуна — 2000»

Бир илмгоҳда 100 нусха



Оқолтин иқтисод ва бизнес коллежи мамлакатда таниқли илмгоҳлардан бири. Гарчи у қишлоқда жойлашган бўлса-да, «шаҳарлик» ўқув юртларидан қолишмайди. Шунинг учун ҳам бу ерга мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларидан ёшлар бажонидил келиб таҳсил олишаяпти. Коллеж талабалари илм ва касб сирларини пухта эгаллаш билан бирга пахта йиғим-теримида ҳам фаол иштирок этдилар.

Яқинда таҳририятимизга шу коллеж директори, таниқли олим, академик Ёвқоч Ҳайдаров қўнғироқ қилиб бизга яхши хушхабар етказди: коллеж талабалари «Ўзбекистон овози»га 100 нусхада обуна бўлишибди.

— «Ўзбекистон овози» жамоамиз ўқитувчи ва ўқувчиларнинг энг севимли нашри. Биз унинг ҳар бир сонини ўрзиқиб кутамиз ва ўқиймиз, — деди академик биз билан хайрлашар экан.

Ҳа, ҳар бир нашрнинг ана шундай жонкуяр ўқувчилари бўлса, ҳар бир ўқувчининг эса ўзи севган нашри бўлса, қандай яхши!

Бобо САРОЙИ



Мени тушун, Азизам...

Дарахтнинг япроғини кафтингизга олиб кузатганмисиз? Шу миттигина япроқнинг турфа хиллигини кўрасиз. Айниқса, унинг томирдек ёйилиб кетган оқ чизиқлари-чи, бир-бирига ўхшайди. Атроф оламнинг ҳам ўзига хос жилвагар эканлигини англайсиз. Агар санъат ҳақида сўз айтсангиз, у ҳам шу хилқатлардан ҳоли эмаслигини биласиз. Ҳар бир санъаткорнинг ўз йўли бўлади. Мухлислар қалбига санъаткор ана шу йўл билан кириб боради. Санъат йўлига кириб келаётган, ўз ўрнини топишга интилаётган одамда қандай туйғулар кечиши мумкин? Аниқроғи, санъатнинг турфалиги хонанда ижодида қандай кечади? Ёш, истеъдодли хонанда Анваржон Санаев билан бўлган суҳбатимизда ана шу саволларга жавоб изладик.

— Анваржон, кейинги пайтларда сизнинг мухлисларингиз анча кўпайиб қолди. Албатта, бу сиз учун катта ютуқ. Қўшиқ айта бошлаганимга эндигина уч йил бўлди, дедингиз. Бу балки катта муддатдир...

— Санъатга ихлос қўйишимга отам — шоир Исмат Санаев сабабчи бўлган. Ўзлари санъаткор бўлишни жуда орзу қилганлар. Шунданми болалик давримизда бизни уйга қамаб қўйиб доира чалдирарди. Қўшиқ айткизарди. Мен асосан, доира чалардим. Кучим борича доирани уриб хуморимдан чиқардим. Кейинчалик мактабни битириш арафасида отам негадир мени бошқа жойга ўқишга киришимни маслаҳат бериб қолди. Шунга қарамай Тошкентга, Ҳамза номидаги мусиқа билим юртига келдим. Эстрада бўлимига ҳужжат топширдим. Сўнг Тошкент Давлат маданият олийгоҳига кириб муваффақиятли тамомладим.

— Санъатда ўз йўлини топиш мушкул, албатта... Тинимсиз изланиш керак...

— Тушундим. Қўшиқ яратишда асосан сўзларга, унинг таъсирчанлигига эътибор бераман. Сўзни оҳангга сололсам, куйини тезда топиб оламан. Кўпроқ воқелик акс этган шеърларни ёқтираман.

Кўзлари кўр экан севгининг,
Севги деган сўқир туйғунинг,
Тушунолмай адо бўлдим мен,
Ўз-ўзимдан жудо бўлдим мен.
Ўзга учун мен суйган юлдуз,
Оҳ чекармиш кечаю кундуз,
Оҳ чекаман жигар бағрим хун,
Мени тушун, азизам тушун.

— Мумтоз қўшиқларни ҳам ижро этиб турасизми?

— Ҳа, албатта. Мумтоз қўшиқлар санъаткорни улғайтади. Уни ҳамма ҳам маромига етказиб айтолмайди. Бунинг учун тажриба керак. Тинимсиз изланиш керак. Мумтоз қўшиқларни шундоққина куй жўрлигида айтиш билан иш битмайди. Масъулият билан айтиш керак. Шундагина миллий қўшиқчилигимизни сақлаб қолишимиз мумкин.

Мумтоз қўшиқлардаги оҳанг, дард мени ҳайратга солади. Ўзим яратаётган қўшиқларда мана шу икки ҳолатга кўпроқ эътибор қиламан. Юракдан айтилган сўзгина юракка етиб боради. Қўшиқ ҳам шундай. Ҳофиз қўшиғини юракдан айтсагина, мухлислар қалбидан жой олади. Ҳофизнинг юраги ўзи айтган қўшиқларида бўлади.

— Севги-муҳаббат ҳақидаги қўшиқларингиз кўпрок...

— Муҳаббат яшайдиган туйғу. Унинг шакли йўқ. У фақат юракларда яшайди. Муҳаббат кишининг ўзидан бўлак ҳеч кимга озор бермайди. Яна бир томони ҳеч ким уни тортиб ҳам ололмайди. Қалбдаги дард сўзга айланади, сўз куйга, куй қўшиққа. Қўшиқ эса яна юракка қайтиб боради. Баъзан муҳаббат ҳақидаги шеърларни мутолаа қилганимда шоирнинг қалбига кириб боргандай бўламан. Ўзимни унга ҳамдард биламан.

—Хоббингиз нима?

— Балиқ овлаш менинг хоббим десам янглишмайман. Дарёга қармоқ ташлаб балиқ тутишнинг гашти ўзгача-да. Яна тарихий китобларни ўқишни ёқтираман. Ҳозир ҳам азим Самарқанд шаҳрига бориб қолсам, қадимий обидаларга қараб хаёлга толаман. Бухородаги мораларни кўринг, Хивадаги Ичонқалъа деворларининг ўзи бир тарих. Мана шуларни ўйлаганимда, қанийди ҳаммасини куйга солиб қўшиқ қилсам эди, дея орзу қиламан. Юрт ҳақидаги мана бу қўшиғимни хиргойи қилишдан асло чарчамайман:

Олам гўзал, оламлар гўзал,
Одам гўзал, одамлар гўзал.
Бахтиёрдир бунда ёш-қари,
Замон гўзал, бу дамлар гўзал.
Дунё чиройли, қуёшли ойли,
Юртимда тоғ бор дарёли сойли.

Суҳбатдош:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбек феъли

Саломлашиш урф-одатлари

19. Салом-алик беғубор, таъмасиз садоқат билан айтилиши керак. Баъзи кишилар атай, душманлик ниятида салом берадилар. Ҳадисда шундай ривоят қилинади: «Бир тўда яҳудийлар Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига кириб келиб: «Ассаму алайка! — деб айтишди. Мен (ойша онамиз) уларнинг гапини дарҳол фаҳмлаб: «Алайкумус-сому вол-лаъна!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ошиқмағил, ё Ойша, Оллоҳ таоло барча ишларда мулойимликни хуш кўргайдир!» — дедилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ уларнинг нима деганини эшитмадингизми?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ва алайкум, деб айтдимку!» — дедилар. («Ассому алайка!» — сенга ўлим!» дегани).

Шунинг учун салом ҳам, алик ҳам тўлиқ, Оллоҳ таоло буюрганидай: «Ассалому алайкум» деб салом берилиши, «ва алайкум ассалом» деб алик олиниши кераклиги биз мусулмонларга сингдирилган.

20. Бизда эгаси бўлмаган уйга ва уй эгасига салом бермагунча шу хонага кирмаслик одоби сингдирилган. Бу ҳақда Қуръони Каримнинг «Нур» сурасини 27 ва 61 оятларида шундай дейилган: «Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизгача кирмангиз», «Қачон уйларга кирсангизлар бир-бирларингизга Оллоҳ ҳузуридан бўлган муборак покиза саломни айтинглар, (яъни «Ассалому алайкум» денглар).

Қудратилла ҲАЙДАРОВ.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор)

Диққат: «Кўпкари — улоқ»

Истиқлол ўзлигимиз, урф-одатларимиз қаторида барча миллий ўйинларимизни ҳам қайтариб берди. Ўзимизни, ўзбеклигимизни, Ўзбекистон эканлигимизни жаҳонга танитаяпмиз. 27, 28, 29-ноябрь кунлари «Кўпкари-улоқ» бўйича бўлиб ўтадиган Халқаро турнир ҳам сўзимизнинг исботидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон от спорти федерацияси, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ҳамда «Осиё бозори» газеталари ташаббуси билан амалга ошаётган Халқаро турнир Навоий вилояти, Навоий тумани, «Исломобод» янги марказида бўлиб ўтади.

Армонда қолмай десангиз, кўпкарига шошилинг!

Ташкилий қўмита.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Саида ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи Қўчқор НОРҚОБИЛ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 16.732 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0897

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

Банк хизматларининг янги тури бўлган замонавий, ишончли тўлов воситаси — «Американ Экспресс» йўл чекларини таклиф этади

Энди чет элда юрганингизда пул операциялари ўтказиш ва ҳисоб-китоб қилиш анча қулай бўлади.

«Американ Экспресс» йўл чеклари бутун дунёда энг оммабоп тўлов воситаларидан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас:



- *«Американ Экспресс» йўл чеклари бутун жаҳонда — аксарият банклар ва айирбошлаш пунктларида нақд пулга алмаштириб берилади. АҚШда эса бу чеклардан нақд пул ўрнида фойдаланишади;*
- *миллионлаб дўконлар, меҳмонхоналар, ресторанларда Сиз бевосита шундай чеклар билан ҳақ тўлашингиз мумкин;*
- *«АмериканЭкспресс» йўл чеклари — муддатсиз. Сиз уларни кейинги гал чет элга боргунингизча сақлаб туришингиз мумкин;*
- *йўл чекларини сотиб олаётганингизда Сиз биттагина имзо билан ўзингизни хатардан ҳоли қилиб олишингиз мумкин. Чекнинг чап юқори бурчагига имзо чекиб қўйинг, уни нақд пулга алмаштираётганингизда эса пастки чап бурчакка имзо чекасиз. Шунда дадил айтиш мумкинки, ўзингиздан бошқа ҳеч ким Сизнинг пулларингиздан фойдалана олмайди;*
- *чекларнинг яна бир афзаллиги бор. Агар «Американ Экспресс» йўл чекларини йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйсангиз, Сиз қаерда бўлишингиздан қатъий назар, бу пулингизни 100% ундириб олишингиз мумкин. Бунинг учун телефон орқали бир мартагина қўнғироқ қилиб, айрим маълумотларни хабар қилишингиз кифоя. Кейин яқин орадаги банкда, «Американ Экспресс» банкомати ёрдамида ёки фирманинг агентликларидан бирида Сизга йўқолган чеклар ўрнига янгисини беришади.*

Қўшимча афзалликлар: мабодо Сиз бошқа ҳужжатларингизни йўқотиб қўйсангиз, кредит карточкаларингиз бекор қилинса, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолсангиз «Американ Экспресс»нинг бутун жаҳонда ишлаб турган 1700 агентлигидан ҳар қайсиси Сизга ёрдам беради.

NBU

Йўл чеклари сотиб олиш масалалари бўйича қўшимча маълумот олиш учун пул муомаласи бош бошқармасига мурожаат қилинг. Алоқа учун телефон: 137-62-83

Сиз ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлимида йўл чекларини сотиб олишингиз мумкин.

Саёҳатда яхши дам олишингизни ва амалий сафарларингиз қулай ўтишини тилаймиз.